



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 20 » may

№ 276

Toshkent sh.

Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усуллари амалиётга жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказиш тўғрисидаги талаби **2022 йил 1 январдан бошлаб** кучга кирганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат харидларини электрон шаклда ўтказишнинг умумий қоидалари ва шартлари;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари ҳамда давлат харидларини ўтказиш мезонлари ва тартиблари;

бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали давлат харидларини амалга оширишда товарларни етказиб бериш муддатлари;

энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида иштирокчиларнинг асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши тўғрисидаги талаб;

ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш шартлари;

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби;

давлат буюртмачилари томонидан тузилган давлат харидлари тўғрисидаги Шартномаларнинг ягона реестрини юритиш қоидалари.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

икки ой муддатда давлат харидларига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш, шунингдек, иштирокчиларнинг электрон шаклда ўтказиладиган харид тартиб-таомилларида иштирокини соддалаштирилган кўринишда ташкил этиш юзасидан таклифларни;

2022 йил 1 сентябрга қадар манфаатдор вазирликлар ва идорлар билан биргаликда халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда 2022-2026 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегиясини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарор билан жорий этилаётган тартибнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисод ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 майдаги 276-сон қарорига
илова

**Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ
тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда - Қонун) мувофиқ давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аванс тўлови — қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, давлат харидларининг электрон тизими операторининг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

воситачилик йиғими — давлат харидларининг электрон тизими операторининг харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлари учун ундириладиган йиғим;

закалат — корпоратив буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловлар тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг таклифларини таъминлаш усули;

давлат буюртмачиси — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия — ваколатли орган томонидан шикоятларни адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат органлари, давлат харидлари электрон тизимининг операторлари ва жамоатчилик вакилларида иборат таркибда тузиладиган комиссия;

давлат харидларининг режа-жадвали — давлат буюртмачиси томонидан йил ва чорак давомида харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни назарда тутувчи ҳужжат;

давлат харидларининг электрон тизими – электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишда давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда – оператор) – давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, ваколатли орган томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахс;

лот – турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) жамланмаси сифатида давлат буюртмачиси томонидан белгиланган ва алоҳида давлат харидлари тўғрисидаги шартнома бўйича харид предмети ҳисобаландиган миқдорий қисм;

шахсий кабинет – электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, давлат харидлари субъектлари, харид комиссиясининг масъул котиби, харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг махсус ахборот порталидаги ва (ёки) давлат харидларининг электрон тизимидаги индивидуал саҳифаси;

электрон таклиф – энг яхши таклифларни танлаш ва тендер тартиб-таомилида қатнашиш учун харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ўз шахсий кабинети орқали электрон кўринишда юборадиган таклиф;

қадам ўлчови – бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукционнинг бошланғич ва/ёки ўзидан олдинги харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг нархини пасайтиришнинг фоиз кўринишида белгиланадиган интервали;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда - ХККП) – аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари электрон давлат харидларига киришини таъминловчи давлат харидлари электрон тизимининг таркибий бўлинмаси.

3. Корпоратив буюртмачилар 2022 йил 1 июлдан бошлаб давлат харидини амалга оширишда ушбу Низомнинг 7-бобига мувофиқ ҳадли келишув тартиб-таомилидан ҳам фойдаланиши мумкин.

4. Давлат буюртмачисининг давлат харидларига тайёргарлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

махсус ахборот порталида давлат харидларининг режа-жадвалларини жойлаштириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда электрон давлат харидларида иштирок этиш учун аванс тўловларини киритиш;

давлат харидларининг электрон тизимида давлат харидлари ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш;

махсус ахборот порталида давлат буюртмачиси ўзи билан аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш.

5. Давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини махсус ахборот порталида жойлаштириш тартиби ва муддатлари Қонуннинг 29-моддасига асосан белгиланади.

Давлат буюртмачилари давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Бунда харид қилиш тартиб-таомили ўтказилишидан камида уч иш кунни олдин давлат харидлари режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилади.

6. Давлат харидларининг режа-жадвали қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

харид предмети;

харид предметининг миқдори ва нархи;

харид ўтказиладиган ой;

давлат буюртмачисининг номи ва манзили;

харид предметини молиялаштириш манбалари ва муддатлари;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш жойи (манзили).

7. Давлат буюртмачиси билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (кейинги ўринларда – иштирокчи) бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Электрон давлат харидларини ўтказишнинг умумий шартлари

8. Электрон давлат харидларида иштирок этиш учун:

корпоратив буюртмачи ва иштирокчилар операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини (бундан харид комиссияси томонидан закат тўлаш талаби белгиламаган ҳоллар мустасно);

бюджет буюртмачиси операторнинг воситачилик йиғимини ХҚКПдаги шахсий ҳисобварақларига ўтказадилар.

Бюджет буюртмачиси электрон давлат харидларида иштирок этиш учун закатни ХҚКПга ўтказиши талаб этилмайди.

9. Давлат буюртмачиси ва иштирокчилар электрон давлат харидларидаги иштирокларини электрон рақамли имзолардан (кейинги

ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Давлат буюртмачиси ва иштирокчининг ЭРИдан фойдаланиб давлат харидларининг электрон тизими орқали тузган давлат харидлари тўғрисидаги шартномалари ҳақиқий ҳисобланади.

10. Бюджет буюртмачилари эълон ёки оферта бўйича Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (кейинги ўринларда - ДМБАТ) томонидан банд қўйилган суммасининг, шунингдек, уларнинг ХККПдаги ҳисобварақларида операторнинг воситачилик йиғими суммасининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда, электрон давлат харидларида иштирок этадилар.

11. Корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар, уларнинг ХККПдаги ҳисобварақларида давлат харидларининг электрон тизими операторининг воситачилик йиғими ва томонларнинг закалати суммасини тўлаш учун етарли бўлган аванс тўловини ўтказгандан сўнг электрон давлат харидларида иштирок этадилар.

12. Бюджет буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали аукцион, танлаш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон жойлаштирилиб ёки электрон дўконда иштирокчининг офертаси танланиб, давлат харидларининг электрон тизими электрон давлат харидлари якунларига кўра тузиладиган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун молиялаштириш манбаларини инобатга олган ҳолда керакли суммага банд қўйиш тўғрисидаги ахборотни ДМБАТдан олгандан сўнг ушбу эълонни ёки танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмини фаоллаштиради.

13. Аукцион иштирокчиси закалати бошқа иштирокчи томонидан ундан кўра пастроқ нархдаги таклиф берилгунга қадар банд қилиб қўйилади.

Электрон дўкон иштирокчиларининг закалати ҳолиб аниқлангунга қадар оператор томонидан банд қилиб қўйилади.

Электрон дўкон ва аукцион ўтказишда корпоратив буюртмачи ва давлат харидлари ижрочисининг (кейинги ўринларда – ижрочи) киритган закалатлари шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

14. Корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар ХККПдаги шахсий ҳисобварақларига:

электрон дўконда иштирок этишдан олдин иштирокчининг офертаси қийматининг 3 фоизи миқдорида;

аукционда иштирок этишдан олдин аукционнинг бошланғич нархидан 3 фоиз миқдорида закалат ўтказадилар.

15. Давлат буюртмачиси томонидан танлаш ёки тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закалат киритиш зарурати ҳамда киритиладиган закалат миқдори харид комиссияси томонидан белгиланади.

Иштирокчиларнинг закалати оператор томонидан ғолиб аниқлангунга қадар банд қилиб қўйилади.

Танлаш ёки тендер ғолибининг закалати шартнома тузилгунга қадар банд қилиб қўйилади. Бунда ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда, унга закат суммаси қайтариб берилмайди.

Танлаш ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ижрочининг киритган закалати шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

Заказат миқдори танлашни ўтказишда товар (иш, хизмат) қийматининг 1-3 фоизи, тендер ўтказишда эса 1-5 фоизи доирасида белгиланишига йўл қўйилади. Бунда харид комиссияси иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг гаров ёки кафолат тарзида ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиги тўғрисидаги талабни белгилашга ҳақли.

16. Оператор томонидан давлат буюртмачиси ва иштирокчилардан ундириладиган воситачилик йиғими миқдори ваколатли орган томонидан белгиланади ва барча операторлар учун ягона ҳисобланади.

17. Оператор ҳисоб-китобларни ташкил этиш, ҳисобини юритиш, ҳамда корпоратив буюртмачилар ва иштирокчиларнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида операторга хизмат кўрсатувчи банкда ХҚКП учун алоҳида иккиламчи банк ҳисобварағини очади.

Оператор шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва алоҳида ҳисобини юритиш бўйича корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар учун ХҚКПда алоҳида ҳисобварақ очади.

18. Молия вазирлиги бюджет буюртмачиларининг ҳисоб-китобларини ташкил этиш, шартнома бўйича мажбуриятлари бажарилиши ҳисобини юритиш ва таъминлаш мақсадида оператор учун Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақлари очади ва унга ушбу ҳисобварақлардаги маблағларни бошқариш учун рухсат беради.

Оператор бюджет буюртмачиларига ҳисобни алоҳида-алоҳида юритиш ва шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун ХҚКПда ҳисобварақлар очади.

19. Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда қуйидагиларни амалга оширади:

давлат буюртмачиси ва иштирокчига киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон давлат харидларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

электрон давлат харидларини ўтказиш;

иштирокчиларни аниқлаш ва шартномани шакллантириш;

электрон давлат харидлари иштирокчиларининг таклифларини Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги маълумотлар базаларига интеграциялашуви орқали баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар билан давлат буюртмачиси ва харид комиссиясини таъминлайди.

20. Операторлар маълумотлар базаларининг электрон ҳамкорлиги орқали Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан электрон ҳужжатлар айланмасини ҳамда давлат харидларини ташкил этиш учун зарур бўлган ахборот алмашинувини таъминлайди.

21. Электрон давлат харидларининг якунига кўра давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда намунавий шакл асосида шартнома шакллантирилади ва шартнома томонларининг шахсий кабинетларига юборилади, шунингдек, тузилган шартномалар электрон реестрига киритиш орқали рўйхатдан ўтказилади.

22. Оператор тузилган шартномалар бўйича ахборотни Молия вазирлиги ва операторнинг маълумотлар базалари электрон ҳамкорлиги орқали Молия вазирлигига юборади.

23. Молия вазирлиги шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилгандан сўнг бюджет буюртмачиларининг шартномаларини бир иш куни мобайнида автоматик тартибда ДМБАТда рўйхатдан ўтказди ёки ҳисобга олади, шунингдек, электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома суммасини ХҚҚПга ўтказиб беради.

Бюджет буюртмачиси танлаш ёки тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ХҚҚПдаги шахсий ҳисобварақларидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади. Бунда олдиндан тўлов шартлари шартномада назарда тутилади.

24. Корпоратив буюртмачилар электрон дўкон ёки аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун ушбу шартнома давлат харидларининг электрон тизимида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ўн иш куни мобайнида ўзларининг ХҚҚПдаги ҳисобварағига маблағларни ўтказадилар. Бунда закат шартнома бўйича тўлов суммасига қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Корпоратив буюртмачилар танлаш ёки тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ХҚҚПдаги шахсий ҳисобварақларидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади.

25. Агарда корпоратив буюртмачи электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаса, унинг закати бир иш кунида ижрочининг ХҚҚПдаги тегишли ҳисобварағига ўтказилади.

26. ҲККП давлат буюртмачисидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тушган тўлов суммасини банд қилиб қўяди ва маблағлар тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан бу ҳақида ижрочига хабарнома юборади.

Мазкур хабарнома ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

27. Ижрочи ҲККП томонидан маблағ тушганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилишидан олдин товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берган тақдирда, давлат буюртмачиси томонидан қабул қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўлов амалга оширилмаслиги билан боғлиқ хатарлар ижрочининг зиммасида бўлади.

28. Корпоратив буюртмачи электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ қабул қилганидан кейин уч иш куни мобайнида бу тўғрисидаги ахборотни ўзининг шахсий кабинетидан фойдаланган ҳолда операторга юборишга мажбур.

29. Бюджет буюртмачиси электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ қабул қилгандан сўнг уч иш куни мобайнида бу тўғрисидаги ахборотни бюджет ташкилотларининг ҳисоби ва ҳисоботлари автоматлаштирилган тизимининг дастурий комплекси орқали ДМБАТга киритишга ва юборишга мажбур.

30. ДМБАТ бюджет буюртмачисининг шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни олгандан кейин уни бир иш куни мобайнида маълумотлар базаларининг электрон алмашинуви орқали операторга юборади.

31. Оператор товарлар (ишлар, хизматлар) электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тўлиқ ҳажмда етказилганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан сўнг бир иш куни давомида:

электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва ДМБАТга юборади, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг бир иш куни давомида бюджет буюртмачиларининг пул маблағларини ижрочига юборади;

электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва операторга хизмат кўрсатувчи банкка юборади, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг бир иш куни мобайнида корпоратив буюртмачиларнинг маблағларини ижрочига юборади;

ижрочининг закалатига қўйилган бандни бекор қилади ва тегишли шахсий ҳисобварағига қайтаради;

закалатни банддан ечади ва корпоратив буюртмачининг тегишли шахсий ҳисобварағига қайтаради, бундан закалат шартнома бўйича тўлаш суммасига қўшиб ҳисобланган ҳоллар мустасно;

электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотни давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.

32. Оператор танлаш ёки тендер натижасида шартнома тузилганидан сўнг бир иш куни давомида закатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисобварағига қайтаради.

Корпоратив буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш ёки тендерда иштирокчилар ва ижрочи томонидан киритилган закат шартнома тузилганидан сўнг оператор томонидан бир иш куни давомида банддан ечилади ва уларнинг тегишли шахсий ҳисобварағига қайтарилади.

Агар танлаш ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ижрочининг киритган закатни шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилишини назарда тутувчи талаб белгиланган бўлса, закат ушбу талаблар бажарилгунга қадар банддан ечилмайди.

33. Электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича етказиб бериш муддати тугагандан сўнг товарлар (ишларни, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими бир иш куни мобайнида автоматик режимда давлат буюртмачиси ва Молия вазирлигини хабардор қилади.

34. Давлат буюртмачиси томонидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ХҚКП ушбу шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддати тугагач уч иш кунидан сўнг:

бюджет буюртмачиларнинг шартнома бўйича маблағларига суд ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунга ёки шартнома бекор қилингунга қадар банд қўяди;

корпоратив буюртмачи томонидан ушбу шартнома бўйича киритилган маблағлардан бандни бекор қилади, бундан закат суммаси мустасно;

корпоратив буюртмачи ва ижрочининг закатига суд ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунга ёки шартнома бекор қилингунга қадар банд қўяди;

бажарилмаган шартномалар бўйича маълумотларни Молия вазирлигига юборади.

35. ХҚКП суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни банддан ечишни ва (ёки) тегишли ҳисобвараққа ўтказишни амалга оширади.

Бунда ХҚҚП ижрочининг закалати бюджет буюртмачисига ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закалатни бюджет буюртмачисининг бюджетдан ташқари тегишли ҳисобварағига ўтказишни амалга оширади.

36. Операторнинг воситачилик йиғими давлат харидларининг якунларига кўра битимнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб давлат буюртмачиси ва иштирокчининг аванс тўловларидан давлат харидларининг электрон тизими томонидан ушлаб қолинади.

37. Иштирокчиларнинг ва корпоратив буюртмачиларнинг банди бекор қилинган маблағлари уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки уларга хизмат кўрсатадиган банклардаги ҳисобварақларига қайтарилади.

3-боб. Электрон дўкон

1-§. Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга оширишнинг умумий шартлари

38. Электрон дўкон воситасидаги давлат харидлари Қонуннинг 5-боби ҳамда ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

39. Электрон дўкон воситасидаги давлат хариди Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонларга мувофиқ амалга оширилади.

Бюджет буюртмачиси томонидан электрон дўкон орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторига мувофиқ гуруҳлаштирилган айти бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача амалга оширилиши мумкин.

Бюджет буюртмачиси томонидан электрон дўкон орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторига мувофиқ гуруҳлаштирилган айти бир турдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваригача (корпоратив буюртмачилар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваригача) амалга оширилиши мумкин.

40. Иштирокчи томонидан электрон дўконда жойлаштирилган таклифда Қонуннинг 50-моддасида қайд этилган маълумотлар ва товарни етказиб бериш муддати кўрсатилади.

Иштирокчи электрон дўконда ўзи жойлаштирган ахборотнинг ишончлилиги бўйича жавобгар бўлади.

2-§. Электрон дўкон орқали давлат харидларини амалга ошириш

41. Электрон дўкон орқали давлат харидлари нархлар сўрови механизмидан фойдаланган ҳолда Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

42. Нархлар сўрови механизми давлат буюртмачисига ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган иштирокчилардан пастроқ нархни сўраш имкониятини тақдим этадиган давлат харидларининг электрон тизими функциясидан иборат.

43. Агар нарх сўрови мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган сумма давлат буюртмачиси томонидан танланган суммадан 20 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса, иштирокчи давлат буюртмачиси томонидан танланган офертанинг суммаси ва ўзи томонидан таклиф этилган сумманинг фарқи миқдоридаги қўшимча закат олдиндан киритиши шарт. Бунда офертанинг суммаси:

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошмайдиган ҳолларда қўшимча закат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан;

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошган ҳолларда қўшимча закат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваридан ошмаслиги керак.

Қўшимча закат мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу таклифлар давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда рад этилади.

44. Ижрочи ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумот (уларнинг номи, СТИР, таклиф суммалари) голиб аниқланган пайтда давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилади.

45. Давлат буюртмачилари электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириши мумкин.

Бунда электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

буюртмачи электрон дўконда “миллий дўкон” ячейкасини танлайди;

давлат харидларининг электрон тизими буюртмачи жойлашган ҳудуд бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг (ишни бажарувчиларнинг, хизмат кўрсатувчиларнинг) таклифлари жойлаштирилган қўшимча саҳифани очади.

“Миллий дўкон” ячейкасининг “қидирув” тугмасидан фойдаланилганда давлат харидларининг электрон тизими буюртмачи жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан етказиб бериладиган товарни (ишни, хизматни) қидиради.

46. “Миллий дўкон” орқали харидларни амалга оширишда давлат харидларининг электрон тизими нархлар сўрови механизмини фақат буюртмачи жойлашган ҳудуддаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) орасида юборилишини таъминлайди.

4-боб. Аукцион

1-§. Аукцион воситасида давлат харидларини амалга оширишнинг умумий шартлари

47. Аукцион воситасидаги давлат харидлари Қонуннинг 6-боби ва ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

48. Аукцион воситасидаги давлат хариди Қонуннинг 52-моддасида белгиланган мезонлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади.

2-§. Аукцион орқали давлат харидларини амалга ошириш

49. Аукцион орқали давлат харидларини амалга ошириш учун давлат буюртмачиси махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига давлат харидларининг режа-жадвалига мувофиқ аукцион тугайдиган санадан камида беш иш куни аввал эълонни жойлаштиради.

50. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда Қонуннинг 53-моддасида белгиланган маълумотлар бўлиши керак.

51. Аукцион давлат буюртмачисининг эълонида баён этилган талабларни инобатга олган ҳолда ўтказилади.

52. Аукцион давлат харидларининг электрон тизимида бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади. Қадам ўлчови оператор томонидан ваколатли орган билан келишилган ҳолда белгиланади, лекин аукционнинг бошланғич нархининг 3 фоиз миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бунда бир иштирокчи белгиланган қадам ўлчови миқдорида бошланғич нархни кетма-кет бир неча бор пасайтириш ҳуқуқига эга.

53. Давлат харидларининг электрон тизими бюджет буюртмачисининг эълонини у жойлаштирилган вақтдан ва Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимидан маълумотлар алмашинуви орқали маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тасдиғи олингандан сўнг фаоллаштиради ва иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни бошлайди.

54. Агар таклиф нархи давлат буюртмачиси томонидан берилган бошланғич нархдан паст ва/ёки бошқа иштирокчининг таклиф қилган нархидан паст бўлса, давлат харидларининг электрон тизими иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни таъминлайди.

Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион бошланган пайтдан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

Аукцион уни ўтказиш ҳақидаги эълонда кўрсатилган муддатда (сана ва вақт), бироқ охириги таклиф келиб тушган вақтдан сўнг ўн дақиқадан кам бўлмаган вақтда тугаган деб ҳисобланади.

Мазкур вақт ичида янги таклиф берилган тақдирда, иштирокчилардан таклифларни қабул қилиш муддати охириги таклиф олингандан сўнг яна ўн дақиқага узайтирилади.

Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион ҳолиби аниқланмагунига қадар давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилмайди.

Агар аукцион мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх бошланғич нархдан 20 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса, иштирокчи бошланғич нарх ва ўзи томонидан таклиф этилган нархнинг фарқи миқдоридаги қўшимча закатлатни олдиндан киритиши шарт. Бунда бошланғич нарх:

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошмайдиган ҳолларда қўшимча закатлат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан;

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошган ҳолларда қўшимча закатлат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваридан ошмаслиги керак.

Қўшимча закатлат мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу таклифлар давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда рад этилади.

55. Аукцион орқали давлат харидларини амалга оширишда товарларни етказиб бериш муддати уларнинг миқдоридан, ҳажмидан, ноёблигидан, ишлаб чиқаришга ва (ёки) республика ҳудудига импорт қилишга кетадиган вақтидан ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда етти кундан кам бўлмаслиги керак. Бунда етказиб берувчи товарларни шартномада белгиланган муддатдан олдин етказиб бериши мумкин.

56. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ҳолиб аниқланмайди. Давлат буюртмачиси аукционни уч иш кунига узайтириши ёки харидни Қонун ва мазкур Низом талабларига мувофиқ электрон дўкон (белгиланган мезонлар доирасида) ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга ошириши мумкин.

5-боб. Танлаш

1-§. Танлаш воситасида давлат харидларини амалга ошириш шартлари

57. Танлаш воситасидаги давлат харидлари Қонуннинг 7-боби ва ушбу Низомга 3-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Танлаш электрон шаклда ўтказилади.

58. Танлаш воситасидаги давлат хариди Қонуннинг 56-моддасида белгиланган шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади.

2-§. Танлашни ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

59. Танлашни ўтказишда харид комиссияси Қонуннинг 20 ва 57-моддаларида белгиланган тартибда шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

60. Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини давлат харидларининг электрон тизимида киритади.

61. Давлат буюртмачиси харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади.

62. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг мулоқот қилиш имконияти давлат харидларининг электрон тизими томонидан ёпиқ чат орқали таъминланади.

63. Давлат харидларининг электрон тизимидаги шахсий кабинетга биринчи маротаба кирилаётганда харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, унинг раиси ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

64. Харид комиссияси раисининг аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, танлашни ўтказиш жараёни давлат буюртмачиси томонидан янги харид комиссияси раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

65. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бўйин товлаган тақдирда, у овоз беришдан бош тортган деб тан олинади. Харид комиссияси раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи овоз беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

3-§. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

66. Давлат буюртмачиси томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг давлат буюртмачисининг мутахассислари ёки танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома ва танлашни ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

67. Танлаш таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

68. Давлат буюртмачиси иштирокчиларнинг танлаш таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун киритади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида танлаш таклифларини баҳолаш учун қўлланиладиган балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи танлашдан четлатилади.

69. Танлаш таклифининг техник қисми учун миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

70. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари намунавий шаклларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиллаган ҳолда) ва миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонлар харид комиссияси томонидан тасдиқланади.

71. Балл усулидан фойдаланганда танлаш таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

72. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида мажбурий бўлган мезонлар белгиланиши мумкин. Бунда танлаш таклифининг мажбурий этиб белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини давлат харидларининг электрон тизими орқали танлашнинг ҳар қандай босқичида четлатишга олиб келади.

Бунда мажбурий мезонлар белгиланишида Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ иштирокчиларга нисбатан рақобатни чекловчи талаблар киритилишига йўл қўйилмайди.

73. Давлат буюртмачиси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

74. Харид комиссияси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг мажлисда ёки масофадан туриб Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

танлаш таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

танлаш таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

танлаш таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;

танлаш таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

75. Танлашни ўтказиш ҳақида қарор танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари харид комиссияси томонидан келишилганидан сўнг қабул қилинади.

76. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг харид комиссияси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қайта келишилиши керак.

77. Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.

78. Тасдиқланган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек, танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон танлаш иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида беш иш куни олдин давлат буюртмачиси томонидан давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

79. Зарур бўлган ҳолларда давлат буюртмачиси харид комиссияси қарори билан танлаш таклифларини бериш муддатини узайтириши ёки танлаш иштирокчиларига танлаш таклифларининг амал қилиш муддатини маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

4-§. Танлашда иштирок этиш учун таклифини бериш тартиби

80. Танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш бўйича электрон таклифларни ўзларининг шахсий кабинетлари орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

81. Иштирокчининг танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган танлаш таклифи иштирокчи томонидан тасдиқланади.

82. Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари давлат харидларининг электрон тизимидаги намунавий шаклларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг танлаш таклифидаги маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

83. Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар иштирокчилар, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

84. Танлаш иштирокчиси битта лотга фақат битта танлаш таклифини беришга ҳақли.

85. Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот (маълумот) ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

86. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган танлаш таклифларини бериш муддати тугагунга қадар берилган танлаш таклифини чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

87. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

Танлаш иштирокчиси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли.

Давлат буюртмачиси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш таклифларининг таъминланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, иштирокчи танлаш таклифлари юборилгунга қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга бир иш куни ичида жавоб беради.

5-§. Танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш

88. Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

89. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

90. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан

юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

91. Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

Танлаш ғолибини аниқлаш учун танлаш таклифларини баҳолаш танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

92. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

93. Танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

94. Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

95. Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

96. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Танлаш таклифларини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Танлаш таклифларини энг паст нарх усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, техник қисми бўйича энг мақбул таклифни берган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захирадаги ғолибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

97. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

Бунда дастлабки электрон баённомада қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлаш таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт;

харид комиссияси аъзоларининг ва танлаш иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлаш таклифлари кўриб чиқилган танлаш иштирокчилари;

хар бир танлаш таклифини баҳолаш натижаларининг ёйилмаси;

танлаш таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ва асосланган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари;

танлаш ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

танлаш ғолибининг номи (юримдик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), жойлашган жойи (почта манзили).

98. Дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.

99. Танлашнинг исталган иштирокчиси дастлабки электрон баённома эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш ўтказиш натижалари бўйича давлат харидларининг электрон тизими орқали эътирозлар юборишга ҳақли.

100. Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва давлат буюртмачиси билан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

101. Танлаш ўтказиш натижалари бўйича танлаш иштирокчиларидан эътирозлар тушганда, харид комиссияси эътирозларни икки иш куни ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

102. Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади.

6-§. Танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш

103. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

104. Танлашни ўтказиш натижаларига кўра шартнома электрон шаклда тузилади ҳамда шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

105. Буюртмачилар томонидан ходимларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида жалб этишни назарда тутувчи харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди.

Бунда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш, танлаш иштирокчилари томонидан таклифларни бериш, танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш, ғолиб ва захира ғолибни аниқлаш, танлаш натижаларини расмийлаштириш Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Тендер

1-§. Тендерни ўтказиш шартлари

106. Тендер воситасидаги давлат харидлари Қонуннинг 8-бобига, ушбу Низомга 4-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Тендер электрон шаклда ўтказилади.

107. Тендер воситасидаги давлат хариди Қонуннинг 64-моддасида белгиланган шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади.

2-§. Тендерни ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

108. Тендерни ўтказишда харид комиссияси Қонуннинг 20 ва 65-моддаларида белгиланган тартибда шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

109. Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

тасдиқланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.

110. Давлат буюртмачиси харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади.

111. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг мулоқот қилиш имконияти давлат харидларининг электрон тизими томонидан ёпиқ чат орқали таъминланади.

112. Давлат харидларининг электрон тизимидаги шахсий кабинетга биринчи маротаба кирилаётганда харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, унинг раиси ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавоб беради.

113. Харид комиссияси раисининг аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, тендерни ўтказиш жараёни давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясининг вақтинчалик янги раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

114. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Белгиланган муддатларда харид комиссия аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бош тортган тақдирда, унинг овози бетараф сифатида қабул қилинади. Харид комиссия раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи овоз беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

3-§. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

115. Давлат буюртмачиси томонидан тендер ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг давлат буюртмачисининг мутахассислари ёки тендерни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома ва тендер ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

116. Тендер таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

117. Давлат буюртмачиси иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун киритади. Тендер бўйича

харид қилиш ҳужжатларида тендер таклифларини баҳолаш учун қўлланиладиган балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи тендердан четлатилади.

118. Тендер таклифининг техник қисми учун миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

119. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг намунавий шакллари тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонлар харид комиссияси билан келишилган ҳолда буюрмачи томонидан тасдиқланади.

120. Балл усулидан фойдаланганда тендер таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

121. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида мажбурий бўлган мезонлар белгиланиши мумкин. Бунда тендер таклифининг мажбурийлиги белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчининг давлат харидларининг электрон тизими орқали тендернинг ҳар қандай босқичида четлатилишига олиб келади.

Бунда мажбурий мезонлар белгиланишида Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ иштирокчиларга нисбатан рақобатни чекловчи талаблар киритилишига йўл қўйилмайди.

122. Давлат буюртмачиси тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

123. Харид комиссияси ўзининг мажлисида ёки масофадан туриб тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳасининг Қонун талабларига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

тендер таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

тендер таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

тендер таклифи қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймати;

тендер таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

124. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳаси унда белгиланган талаблар билан бирга муҳокамага қўйилади.

125. Харид комиссияси томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳаси маъқулланган ҳолда тендер ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

126. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари маъқулланмаган ҳолларда улар қайта ишлаш учун қайтариб юборилиши ёки харид комиссияси мажлисида қайта ишланиши мумкин.

127. Маъқулланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини давлат буюртмачиси ЭРИ билан тасдиқлайди.

128. Тасдиқланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида ўн икки иш куни олдин ва кўпи билан ўттиз иш куни олдин давлат харидларининг электрон тизимига давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

129. Зарур бўлган ҳолларда давлат буюртмачиси харид комиссияси қарори билан тендер таклифларини бериш муддатини узайтириши ёки тендер иштирокчиларига тендер таклифларининг амал қилиш муддатини маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

130. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида давлат буюртмачиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги (лот) сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бу ҳолатда давлат буюртмачиси турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир лот учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин.

4-§. Тендерда иштирок этиш учун таклиф бериш тартиби

131. Тендер иштирокчилари тендер бўйича электрон таклифларни ўзларининг шахсий кабинетлари орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

132. Иштирокчининг тендер таклифини ташкил этувчи электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган тендер таклифи иштирокчи томонидан тасдиқланади.

133. Тендер таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг тендер таклифлари давлат харидларининг электрон тизимида намунавий шаклларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг тендер таклифларида кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

134. Тендер таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар тендер иштирокчилари, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

135. Тендер иштирокчиси битта лотга фақат битта тендер таклифини беришга ҳақли.

136. Тендер иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот (маълумот) ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

137. Тендер иштирокчиси тендер таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган тендер таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

138. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими тендер таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

139. Тендер таклифлари тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган муддатда ўз кучида қолади.

140. Тендер иштирокчиси тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли.

141. Давлат буюртмачиси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

142. Давлат буюртмачиси томонидан тендер таклифларининг таъминланиши зарурлиги белгилаган тақдирда, иштирокчи тендер таклифлари юборилгунига қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга бир иш куни ичида жавоб беради.

5-§. Тендер натижаларини сарҳисоб қилиш

143. Тендер харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

144. Иштирокчи томонидан бириктирилган ҳужжатлар унинг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилган бўлиши керак.

145. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган ҳужжатларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими аниқ сабабни кўрсатган ҳолда иштирокчининг тендер таклифини рад этади. Бириктирилган

хужжатлардаги маълумотларнинг иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

146. Тендер таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

тендер таклифининг тендер бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;

иштирокчининг малака талабларга (тендер бўйича харид қилиш хужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;

тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш;

тендер таклифининг нарх қисмини баҳолаш.

Бунда давлат харидларининг электрон тизими тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотлар тендер таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.

147. Тендер таклифи тендер бўйича харид қилиш хужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

148. Иштирокчининг тендер таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

149. Тендер ҳолибини аниқлаш учун тендер таклифларини баҳолаш тендер бўйича харид қилиш хужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

150. Тендер таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси масъул котиби тендер иштирокчиларидан уларнинг тендер таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

151. Тендер таклифининг микдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

152. Микдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

153. Микдор кўрсаткичларига асосланган мезонларни баҳолашда:

тендер бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсаткичларнинг энг кам ва энг кўп қийматлари белгиланиши мумкин;

миқдор кўрсаткичлари энг кам ва энг кўп ҳисобга олинадиган қийматлари оралиғида бўлган иштирокчилар учун балл коэффиценти унинг миқдор кўрсаткичининг энг кам ва энг кўп ҳисобга олинадиган қийматларининг фарқига бўлган нисбатини аниқлаш орқали ҳисобланади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ энг кам ҳисобга олинадиган қийматдан кам бўлса, иштирокчига энг кам балл қўйилади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинадиган қийматдан юқори бўлса, унинг кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинадиган қийматдан қай даражада юқорилигидан қатъи назар унга ушбу мезон бўйича энг юқори балл берилади;

миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонни баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан баллни ушбу мезоннинг ҳисобга олинадиган қийматига кўпайтириш орқали автоматик равишда амалга оширилади.

154. Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб харид комиссияси иштирокчиларга шартномани бажариш учун зарур профессионал ва техник малака маълумотларига, касбий ва техник компетенцияга, молиявий ресурсларга, жиҳозларга ва бошқа моддий имкониятларга, бошқарув малакасига, ишончлиликлка, тажрибага ва обрўга, шунингдек, инсон ресурсларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўшимча мезон ва талабларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Бунда иштирокчиларни камситишга, савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб беришга, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган мезонларни, талабларни ва тартиб-таомилларни қўллашга йўл қўйилмайди.

155. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида тендер иштирокчисининг малака талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларнинг давлат харидларининг электрон тизимида бириктирилиши назарда тутилиши мумкин. Давлат буюртмачиси тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар бўйича иштирокчининг малакасини баҳолашга ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

156. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

тендер таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра тендерда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Тендер таклифларини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Тендер таклифларини энг паст нарх усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, техник қисми бўйича энг мақбул таклифни берган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захирадаги ғолибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

157. Харид комиссияси аъзолари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган йиғилишнинг электрон баённомаларини ЭРИдан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда эълон қилинади.

158. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида:

тендер таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

тендер таклифлари кўриб чиқилган тендер иштирокчилари тўғрисидаги;

хар бир тендер таклифларини баҳолаш натижаларининг ёйилмаси ҳақидаги;

тендер таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ва асосланган ҳолда рад этилган тендер иштирокчилари ҳақидаги;

тендер ғолиби (захира ғолиби) тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

тендер ғолибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), жойлашган жойи (почта манзили) ҳақидаги ахборот бўлиши керак.

159. Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда тендерни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Тендер бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси давлат харидларининг электрон тизимида мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қилади.

160. Давлат буюртмачиси тендер бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан тендер давлат буюртмачисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида бекор қилинган ҳоллар мустасно.

6-§. Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

161. Тендер натижалари бўйича шартнома тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

162. Давлат буюртмачиси тендер шартларига мувофиқ қабул қилган таъминот суммаси ёки таъминотига оид бошқа ҳужжатлар қуйидаги ҳолатлардан бири рўй берган тақдирда, иштирокчига ёки ижрочига дарҳол қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминотига оид ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;
шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;
давлат харидлари бекор қилинса;

таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

163. Тендер иштирокчилари тендер шартлари ва тендерни ўтказиш тартиб-таомиллари бузилган ҳолатларда тендер натижаларидан белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

164. Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

165. Харид комиссиясининг ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлари Қонуннинг 20-моддасига асосан барча иштирокчилар учун мажбурий ҳисобланади.

166. Тендер натижалари бўйича тузилган шартнома электрон ҳужжат шаклида тузилади ва оператор томонидан Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

167. Буюртмачилар томонидан ходимларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида жалб этишни назарда тутувчи харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди.

Бунда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш, тендер иштирокчилари томонидан таклифларни бериш, тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш, ғолиб ва захира ғолибни аниқлаш, тендер натижаларини расмийлаштириш Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Ҳадли келишув

1-§. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш шартлари

168. Ҳадли келишув воситасидаги давлат харидлари ушбу Низомга 5-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Бюджет буюртмачиси ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошира олмайди.

169. Ҳадли келишув икки босқичли харид қилиш тартиб-таомили ҳисобланиб, унинг биринчи босқичи ҳадли келишувнинг томони сифатида камида учта иштирокчини аниқлаш, иккинчи босқичи эса ҳадли келишувнинг томони ҳисобланган иштирокчилардан бири билан шартнома тузиш учун ўтказилади.

170. Ҳадли келишув воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир ҳадли келишув бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этади;

муайян (кўпи билан уч йилгача) муддат давомида корпоратив буюртмачилар фаолиятида жорий ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш узлуксизлигини таъминлаш зарурати юзага келиши.

171. Харид комиссияси ҳадли келишувнинг иккинчи босқичида иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг гаров, кафолат, закат тарзида таъминланиши зарурлиги тўғрисидаги талабни белгилаши мумкин.

2-§. Ҳадли келишувни амалга ошириш ва натижаларини сарҳисоб қилиш тартиби

172. Ҳадли келишувнинг биринчи босқичи натижасига кўра ушбу босқичдан ўтган камида уч нафар иштирокчи билан ҳадли келишув имзоланади.

173. Ҳадли келишувнинг амал қилиш муддати уч йилдан кўп бўлмаслиги керак.

174. Ҳадли келишув тўғрисидаги ахборот у тузилган санадан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши шарт.

175. Ҳадли келишув орқали давлат харидларини амалга оширишнинг биринчи босқичида харид комиссиясининг фаолиятини, харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва харид қилиш тартиб-таомилини ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштиришни ҳамда харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун таклиф беришни тартибга солишда мазкур Низомнинг 6-бобига мувофиқ тендер ўтказиш тартиб-таомиллари қўлланилади.

Бунда биринчи босқичда:

харид ҳужжатларига таклифнинг фақат техник қисми тақдим этилиши, шунингдек, ҳадли келишув тузиладиган муддат давомида товарларни

(ишларни, хизматларни) умумий ҳажми ва бошланғич нархи доирасида етказиб бериши лозимлиги юзасидан талаблар киритилади;

иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нарх таклифлари тақдим этилмайди.

176. Ҳадли келишув орқали давлат харидларини амалга оширишда корпоратив буюртмачи харид қилиш ҳужжатларида ва харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказилиши тўғрисидаги эълонда камида уч нафар иштирокчи билан ҳадли келишув тузилишини назарда тутиши ҳамда ҳадли келишув орқали давлат харидларини амалга оширишнинг асословчи сабаб ва шароитларини баён этиши шарт.

Бунда харид қилиш ҳужжатларига унинг ажралмас қисми бўлган ҳадли келишув ва шартнома лойиҳалари илова қилинади.

177. Ҳадли келишув тузиш учун таклифлар бериш муддати тугаган вақтда иштирокчилардан камида учта таклиф олинган бўлса, иштирокчиларнинг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Иштирокчи бундай таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

178. Ҳадли келишувнинг харид қилиш тартиб-таомилида учта иштирокчидан кам иштирокчи иштирок этса, ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, шунингдек, камида учта иштирокчининг таклифлари харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид қилиш тартиб-таомили ўтказилмаган деб топилади.

Бундай ҳолда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини айлани ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айлани ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

Товарга (ишга, хизматга) доир баҳолаш шартлари, мезонларини ва талабларни ўзгартириш ёки ҳадли келишув тузиш бўйича талабни чиқариб ташлаб тендер ўтказиш зарур бўлганда, харид комиссияси асосларни кўрсатган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

179. Ҳадли келишув тартиб-таомилининг биринчи босқични баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан ошиши мумкин эмас.

180. Ҳадли келишув тартиб-таомилининг иккинчи босқичида корпоратив буюртмачи шартномани тузиш учун биринчи босқичдан ўтиб, ҳадли келишув тузилган барча иштирокчиларга иштирок этиш учун давлат харидларининг электрон тизими орқали нарх сўровини юборади.

Бунда ҳадли келишув тузилган иштирокчилар нарх сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат харидларининг электрон тизими томонидан юборилган пайтдан эътиборан камида беш иш кун ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

181. Корпоратив буюртмачи томонидан электрон тизим орқали нарх сўрови юборилишидв биринчи босқич натижасига кўра тузилган ҳадли келишувга ҳавола, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) айна вақтда талаб этиладиган ҳажми, таклифларни юборишнинг охириги муддати белгиланиши лозим.

182. Таклифларни юборишнинг охириги муддати якунланганидан сўнг давлат харидлари электрон тизими ҳадли келишув тузилган иштирокчиларнинг нарх таклифларини баҳолайди ва ғолибни аниқлайди.

Бунда ҳадли келишув тузилган иштирокчиларнинг нарх таклифлари биринчи босқичда корпоратив буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нарх доирасида бўлиши лозим.

183. Ҳар бир ўтказиладиган нарх сўрови ва якуний баҳолаш натижасига кўра фақат битта ғолиб аниқланади ва харид қилиш ҳужжатларида ва ғолиб деб топилган иштирокчининг таклифида кўрсатилган шартлар асосида ўн иш кунидан кечиктирмасдан шартнома тузилади.

184. Ҳадли келишув асосида тузилган шартнома у тузилган санадан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши шарт.

8-боб. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари

1-§. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби

185. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари Қонуннинг 71-моддасида белгиланган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

186. Давлат буюртмачилари тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши шарт, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

187. Тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

188. Давлат буюртмачиси ушбу параграфда назарда тутилган давлат харидларини амалга ошириш чоғида харид қилиш тартиб-таомилларининг бошқа рақобатли турларидан ҳам Қонун ва ушбу Низом талабларига мувофиқ фойдаланиши мумкин.

189. Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоригача бўлган

шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Комплекс экспертиза қилиш марказида комплекс экспертизадан ўтказилмайди.

2-§. Ягона етказиб берувчидан давлат хариди

190. Ягона етказиб берувчидан давлат хариди Қонуннинг 72-моддасида белгиланган ҳолларда амалга оширилади.

3-§. Ягона етказиб берувчилар билан шартнома тузиш

191. Ягона етказиб берувчилардан харидни амалга ошириш учун давлат буюртмачилари ягона етказиб берувчилар реестридан (кейинги ўринларда - Реестр) фойдаланади.

192. Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, етказиб берувчи ҳамда давлат буюртмачиси ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилади ва бу шартнома тўғрисидаги ахборот у тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши лозим.

4-§. Ягона етказиб берувчилар реестрини юритиш

193. Ягона етказиб берувчилар реестри ваколатли орган томонидан махсус ахборот порталида юритиладиган ахборот ресурсидир.

194. Ягона етказиб берувчилар реестри ягона етказиб берувчидан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ва ягона етказиб берувчилар рўйхатидан иборатдир.

195. Реестрда контрагент мавжуд бўлмаса, давлат буюртмачиси тўғридан-тўғри шартномани тузишга ҳақли эмас.

196. Реестрдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкин.

197. Ваколатли орган таҳлил ўтказиш ва тегишли маълумотларни йиғиш орқали:

бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) хўжалик юритувчи субъектларни;

тегишли бозорда муқобиллари бўлмаган товарлар (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган монополист-корхоналарни;

тарихий, бадиий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган маданий қимматликларнинг эгаларини, шунингдек, ушбу қимматликларни давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун зарурлигини аниқлайди.

198. Мазкур Низомнинг 197-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар Реестрга ягона етказиб берувчи сифатида киритиш ҳақидаги ариза билан ваколатли органга мурожаат этишлари мумкин.

199. Реестрга ягона етказиб берувчи сифатида киритиш ҳақидаги аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

хўжалик юритувчи субъект ҳақида – юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг санаси ва рўйхатга олиш рақами, жисмоний шахс ҳақида – шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги тегишли маълумотлар;

номи, техник хусусиятлари, нархи кўрсатилган ишлаб чиқарилаётган (етказиб берилаётган) бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида маълумот;

конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектнинг Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрида мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

маданий қимматликларнинг тарихий, бадиий ёки бошқа маданий аҳамияти ҳақидаги маълумотлар;

конунчиликда назарда тутилган ҳолатларда мавжуд бўлган лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар;

бошқа маълумотлар.

200. Ваколатли орган қуйидаги асослар бўйича Реестрга киритиш ҳақидаги аризани рад этиши мумкин:

мазкур Низомнинг 199-бандида назарда тутилган ҳужжатларни (маълумотларни, ахборотларни) тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этиш;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ва бузилган маълумотлар аниқланганлиги;

ҳужжатлар ариза берувчининг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилиши.

201. Ваколатли орган зарур ҳолларда бозорда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муқобили мавжудлигини аниқлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга:

бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги маълумотларни;

тегишли бозорда муқобиллари бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган монополист-корхоналар ҳақидаги маълумотларни;

маданий қимматликларнинг тарихий, бадиий ёки бошқа маданий аҳамиятга эгаллигини, шунингдек, ушбу қимматликларни давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун зарурлигини аниқлаш учун маданий қимматликларнинг эгалари ҳақидаги маълумотларни юборади.

202. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ваколатли органдан маълумотларни олганларидан сўнг беш иш куни мобайнида ўзларининг ахборот базаларидаги ва/ёки очиқ манбалардаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тақдим этилган товарнинг (ишни, хизматнинг) бозорда муқобили мавжуд эмаслиги ҳақидаги ахборотни тақдим этади.

203. Ваколатли орган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган ахборот асосида Реестрга киритиш ҳақидаги аризани қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

204. Ариза қаноатлантирилган тақдирда, ваколатли орган хўжалик юритувчи субъектни ёки маданий қимматликларнинг эгасини ягона етказиб берувчи сифатида Реестрга киритади.

205. Реестрга ўзгартириш киритиш учун қуйидагилар асос бўлади:

табiiй монополия субъектининг Табiiй монополия субъектларининг давлат реестридан чиқарилиши;

хўжалик юритувчи субъект Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестридан чиқарилиши;

ваколатли органнинг хўжалик юритувчи субъектни Реестрдан чиқариш ҳақидаги хабарномаси;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ваколат доирасида фақат шу органлар ёки уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши тўхтатилиши;

суднинг қонуний кучга кирган хўжалик юритувчи субъектни банкрот деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳолатлар.

9-боб. Давлат буюртмачилари билан тузилган Шартномаларнинг ягона реестри

206. Шартномаларнинг ягона реестри ваколатли орган томонидан давлат харидларининг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда юритилади.

207. Шартномаларнинг ягона реестри электрон дўкон, аукцион, танлаш, тендер, ҳадли келишув натижалари ва тўғридан-тўғри тузилган шартномалар, шу жумладан, ягона етказиб берувчидан амалга оширилган харидлар

якунлари, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ тузилган бошқа давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича шакллантирилади.

208. Электрон дўкон, аукцион, танлаш, тендер ва ҳадли келишув орқали тузилган шартномалар давлат харидларининг электрон тизимида рўйхатга олинганидан сўнг автоматик режимда Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

209. Тўғридан-тўғри тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига киритилгандан сўнг автоматик режимда ахборот шакллантирилади ва Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

210. Шартномаларнинг ягона реестрига Қонуннинг 47-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар киритилади.

211. Шартномаларнинг ягона реестридаги ахборот танишиб чиқиш учун бепул ва очиқ бўлиши керак.

212. Махсус ахборот портали ва ДМБАТ ўртасидаги маълумотлар базаси электрон ҳамкорлиги орқали давлат буюртмачилари билан тузилган Шартномаларнинг ягона реестри бўйича онлайн маълумот алмашинуви амалга оширилади.

213. Қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот Шартномаларнинг ягона реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

10-боб. Якунловчи қоидалар

214. Давлат харидларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш, шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назорати қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

215. Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартноманинг қуйидаги муҳим шартларини:

товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) сифатини ва ассортиментини ўзгартиришга;

товарнинг миқдорини ва баҳосини оширишга;

етказиб бериш муддатини узайтиришга (бундан форс-мажор ҳолатлар мустасно);

амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар қийматини шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан кўп бўлган суммага оширишга йўл қўйилмайди.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри тузилган шартномаларнинг муҳим шартларини ўзгартириш бўйича ушбу шартнома шартларига мувофиқ қўшимча келишув тузилиши мумкин.

216. Давлат буюртмачиси ва давлат харидларининг электрон тизими оператори томонидан харид қилиш тартиб-таомилига оид барча ҳужжатлар белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

217. Давлат буюртмачилари қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши, шартномалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилиши ва шартнома бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун, шунингдек, махсус ахборот порталига жойлаштирилган маълумотларнинг, ваколатли давлат органларига тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига ва ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлигига жавоб беради.

218. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат харидларини амалга ошириш билан
боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга ошириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Иштирокчи	Электрон дўконга ўз офертасини ўн беш иш кунига жойлаштиради.	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Давлат буюртмачиси	Электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва нарх сўрови механизмидан фойдаланади.	Ихтиёрий
3-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек, электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифларни юборади.	Автоматик равишда
4-босқич	Таклифларни олган иштирокчи	Нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисида таклиф тушгандан сўнг ўз таклифларини бериши мумкин.	Қирқ саккиз соат ичида
5-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослашни амалга оширади. 2. Давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шартномани шакллантиради. 3. Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни шартномаларнинг ягона реестрига киритади. 4. Агар харид қилиш тартиб-таомилининг якунига кўра фақат танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчигина иштирок этган бўлса, давлат буюртмачиси ва иштирокчи ўртасида электрон шаклда савдолашиш имконини яратади ва савдолар якунига кўра шартномани шакллантиради ёки харид қилиш тартиб-таомилини ўтказилмаган деб топади.	Автоматик равишда

Давлат харидларини амалга ошириш билан
боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион воситасида давлат
харидларини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат буюртмачиси	Давлат харидларининг электрон тизимида давлат харидларининг режа-жадвалига мувофиқ эълон жойлаштиради.	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Эълон жойлаштирилган вақтдан эътиборан аукцион бўйича иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни бошлайди.	Эълон жойлаштирилган вақтдан бошлаб камида беш иш куни давомида
3-босқич	Иштирокчи	Аукцион давомида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда бериши мумкин.	Эълонда кўрсатилган муддат давомида
4-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Аукцион якунига кўра берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган иштирокчини аукцион ғолиби сифатида саралаб олади ҳамда у ва давлат буюртмачиси ўртасидаги шартномани шакллантиради. 2. Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига киритади. 3. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукционни ўтказилмаган деб ҳисобланади.	Автоматик равишда

Давлат харидларини амалга ошириш билан
боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Энг яхши таклифларни танлаш воситасида
давлат харидларини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат буюртмачиси	1. Тоқ сонли ва камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссиясини тузади. 2. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади. 3. Танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжати лойиҳаси матнини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун электрон шаклда киритади.	Заруратга кўра
2-босқич	Харид комиссияси	Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва келишади.	Заруратга кўра
3-босқич	Давлат буюртмачиси	Харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.	Заруратга кўра
4-босқич	Давлат буюртмачиси	Тасдиқланган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, танлаш ўтказиш ҳақидаги эълонни давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.	Таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида беш иш куни олдин
5-босқич	Иштирокчи	Танлаш бўйича электрон таклифни ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
6-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Танлаш таклифи иштирокчилар, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари ва бошқа шахслар томонидан кўрилишига йўл қўймайди, бундан ушбу таклифни тақдим этган иштирокчи мустасно. 2. Иштирокчи таклиф этаётган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. 3. Иштирокчи томонидан таклиф этилаётган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади.	Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар
7-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни харид комиссияси масъул котиби ва аъзоларига кўриш имкониятини беради.	Таклифларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг дарҳол
8-босқич	Харид комиссиясининг масъул котиби	1. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади. 2. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича қарорни унинг асосланган сабаблари билан тасдиқлаш учун харид комиссиясига киритади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
9-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарорни иштирокчининг шахсий кабинетига юборади.	Қарор қабул қилинган кунда
10-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
11-босқич	Харид комиссияси	Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини овоз бериш орқали таққослашни амалга оширади ва баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
12-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб: танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда); танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди. 2. Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчини ғолиб деб топади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
		3. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижаларини автоматик равишда шаклландирган дастлабки электрон баённомада қайд этади.	
13-босқич	Харид комиссияси аъзолари	Дастлабки электрон баённомани ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
14-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Дастлабки электрон баённомани муҳокама учун жойлаштиради.	Дастлабки баённома расмийлаштирилган кундан эътиборан икки иш кунидан
15-босқич	Харид комиссияси	1. Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида тегишли электрон баённомани расмийлаштиради. 2. Танлаш ўтказиш натижалари бўйича танлаш иштирокчиларидан эътирозлар тушганда ушбу эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
16-босқич	Давлат буюртмачиси	Ғолиб деб топилган иштирокчи билан электрон шаклда шартнома тузади.	Ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан
17-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига жойлаштиради.	Автоматик равишда

Давлат харидларини амалга ошириш билан
боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Тендер воситасида давлат харидларини амалга ошириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат буюртмачиси	1. Тоқ сонли ва камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссиясини тузади. 2. Харид комиссиясининг хар бир аъзосига ва масъул котибига давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади. 3. Тендер ўтказиш ҳақидаги эълоннинг, тендер бўйича харид қилиш ҳужжатининг ва шартнома лойиҳасининг матнини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун электрон шаклда киритади.	Заруратга кўра
2-босқич	Харид комиссияси	Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва келишади.	Заруратга кўра
3-босқич	Давлат буюртмачиси	Харид комиссияси билан келишилган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.	Заруратга кўра
4-босқич	Давлат буюртмачиси	Тасдиқланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, тендер ўтказиш ҳақидаги эълонни давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.	Таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида ўн икки иш куни олдин ва кўпи билан ўттиз иш куни олдин
5-босқич	Иштирокчи	Тендер таклифини электрон таклиф кўринишида ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
6-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Тендер таклифи иштирокчилар, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари ва бошқа шахслар томонидан кўрилишига йўл қўймайди, бундан ушбу таклифни тақдим этган иштирокчи мустасно. 2. Иштирокчи таклиф этаётган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. 3. Иштирокчи томонидан таклиф этилаётган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади.	Тендер таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар
7-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни харид комиссияси масъул котиби ва аъзоларига кўриш имкониятини беради. 2. Тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотлар тендер таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.	Таклифларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг дарҳол
8-босқич	Харид комиссиясининг масъул котиби	1. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади. 2. Тендер таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича қарорни унинг асосланган сабаблари билан тасдиқлаш учун харид комиссиясига киритади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
9-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тендер таклифининг микдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
10-босқич	Харид комиссияси	Микдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини овоз бериш орқали таққослашни амалга оширади ва баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
11-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Тендер бўйича харид қилиш хужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб: тендер таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда); тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра тендерда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди. 2. Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), тендер таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчини ғолиб деб ҳисоблайди. 3. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижаларини автоматик равишда шаклланадиган электрон баённомада қайд этади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
12-босқич	Харид комиссияси аъзолари	Электрон баённомани ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
13-босқич	Давлат буюртмачиси	Ғолиб деб топилган иштирокчи билан электрон шаклда шартнома тузади.	Ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунда
14-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига жойлаштиради.	Автоматик равишда

Давлат харидларини амалга ошириш билан
боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Хадли келишув воситасида давлат харидларини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Корпоратив буюртмачиси	1. Тоқ сонли ва камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссиясини тузади. 2. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади. 3. Хадли келишув орқали харидларни амалга ошириш ҳақидаги эълоннинг, харид қилиш ҳужжатларининг, хадли келишув ва шартнома лойиҳасининг матнини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун электрон шаклда киритади.	Заруратга кўра
2-босқич	Харид комиссияси	Харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва келишади.	Заруратга кўра
3-босқич	Корпоратив буюртмачиси	Харид комиссияси билан келишилган харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.	Заруратга кўра
4-босқич	Корпоратив буюртмачиси	Харид қилиш ҳужжатлари, хадли келишув ва шартнома лойиҳаси, шунингдек, хадли келишув орқали харидлар ўтказиш ҳақидаги эълонни давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.	Таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида ўн икки иш куни олдин ва кўпи билан ўттиз иш куни олдин
5-босқич	Иштирокчи	Хадли келишув таклифини электрон таклиф кўринишида ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
6-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Хадли келишув таклифи иштирокчилар, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари ва бошқа шахслар томонидан кўрилишига йўл қўймайди, бундан ушбу таклифни тақдим этган иштирокчи мустасно. 2. Иштирокчи таклиф этаётган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. 3. Иштирокчи томонидан таклиф этилаётган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади.	Хадли келишув таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар
7-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг хадли келишув таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни харид комиссияси масъул котиби ва аъзоларига кўриш имкониятини беради.	Таклифларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг дарҳол
8-босқич	Харид комиссиясининг масъул котиби	1. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг хадли келишув таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади. 2. Ҳадли келишув таклифи харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича қарорни унинг асосланган сабаблари билан тасдиқлаш учун харид комиссиясига киритади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
9-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Ҳадли келишув таклифининг микдорий кўрсаткичларини баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
10-босқич	Харид комиссияси	Микдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини овоз бериш орқали таққослашни амалга оширади ва баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
11-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ бўлган иштирокчиларни аниқлайди. 2. Харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ бўлган иштирокчиларнинг сони учтадан кам бўлган тақдирда, ҳадли келишув бўйича харид қилиш тартиб-таомилини бўлиб ўтмаган деб ҳисоблайди. 3. Ҳадли келишув таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижаларини автоматик равишда шаклланадиган биринчи босқичнинг электрон баённомасида қайд этади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
12-босқич	Харид комиссияси аъзолари	Электрон баённомани ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
13-босқич	Корпоратив буюртмачи	Ҳадли келишув тартиб-таомилининг биринчи босқичи натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ бўлган камида уч нафар иштирокчи билан ҳадли келишувни имзолайди.	Ҳолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунда
14-босқич	Корпоратив буюртмачи	1. Ҳадли келишув тартиб-таомилининг иккинчи босқичида корпоратив буюртмачи шартномани тузиш учун биринчи босқичдан ўтиб, ҳадли келишув тузилган барча иштирокчиларга иштирок этиш учун давлат харидларининг электрон тизими орқали нарх сўровини юборади. 2. Нарх сўрови ва якуний баҳолаш натижаларига кўра аниқланган ҳолиб билан ҳадли келишувнинг умумий суммаси ва амал қилиш муддати доирасида шартнома тузади.	Ҳадли келишувнинг амал қилиш маддати доирасида

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
15-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига жойлаштиради.	Автоматик равишда

